

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛНОЗА НАРЗУЛЛАЕВНА

**ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН
Фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Абдуллаева Дилноза Нарзуллаевна

География фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш..... 3

Абдуллаева Дилноза Нарзуллаевна

Совершенствование механизмов использования средств электронного обучения в процессе повышения квалификации учителей географии..... 21

Abdullaeva Dilnoza Narzullaevna

Improving the mechanisms of using e-learning tools in the process of professional development of geography teachers 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication 44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА ДИЛНОЗА НАРЗУЛЛАЕВНА

**ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН
Фойдаланиш механизmlарини такомиллаштириш**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1632 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда "Ziyounet" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мусурманова Айвиса педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Киймов Нишон Садикович педагогика фанлари доктори, DSc Қурбанов Наҳидовон Рустамович география фанлари номзоди, доцент
Етакчи танқидот:	Життах давлат педагогика институти

Диссертация кенгаши Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc 03/30.12.2019.01.02.07 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил 13 сентябрь соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, университет ҳибони, 15-уВ. Университет Бош биноси 105 хона, тел.: (+99866)233-16-36, факс: (+99866)233-11-40, E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№31 рақамли билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет ҳибони, 15 уВ. Тел.: (+99866)233-60-87.

Диссертация автореферати 2021 йил 30 август куни тарқатилди.
(2021 йил 26 августдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



С.Б. Аббасов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.А. Мелиев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, география фанлари бўйича PhD

Н.Қ. Комилова
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилиб, аксарият мамлакатлар томонидан 2030 йилгача белгиланган янги таълим концепциясида “Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” жараёни долзарб вазифа сифатида белгиланган. Шу мақсадда, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ, Россия, Шотландия, Финляндия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда малака оширишнинг мавжуд шакллари ўрганиш, уларнинг илғор тажрибаси асосида, давр ва таълимнинг мураккаб талабларига жавоб берадиган методикаларини ишлаб чиқиш, ўқитишнинг энг замонавий усуллари ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон миқёсида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ўзгаришлар, география фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, маълумотларни табиий ва виртуал шаклда интеграциялашган ҳолда тақдим этишни ташкиллаштириш ва мультимедиа машғулотлар ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, география фани ўқитувчиларининг мустақил малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни замонавий ёндашувлар асосида йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда ўқитувчиларнинг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз методик тайёргарлигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш асносида янгича илмий йўналишларга асосланган кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришга устувор эътибор берилмоқда.

Республикамизда таълим тизимини янада ривожлантириш ҳамда таълим жараёнида электрон воситаларни кенг қўллаш борасида бир қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонида “...Педагогларнинг масофадан малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизими самарадорлигини ошириш ва қамровини кенгайтириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш мазмуни ва методларини янгилаш, баҳолаш тизимини қайта кўриб чиқиш”¹ халқ таълими тизимининг асосий мақсад ва ривожланишининг алоҳида устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Бундай ёндашув туфайли, таълим тизимида география фани ўқитувчиларининг замонавий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5712-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳорати ва ўқув-услугий фаолиятини сифатли ташкил этиш компетенцияларини мунтазам юксалтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз ва хорижий мамлакатлар олимлари томонидан география фанини ўқитиш методикаси, малака ошириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича қуйидаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилган:

География ўқитиш методикасини тадқиқ этиш бўйича республикамизда А.А.Қаюмов, А.А.Рафиқов, П.Мусаев, М.Т.Миракмалов, О.А.Мўминов, П.Баратов, П.Ғуломов, С.Абдувоҳидов, Р.Қурбонниёзов, С.Мирзахўжаев, Ҳ.Ваҳобов, Ш.А.Азимов илмий ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. География дарсларида техник воситалар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш масалалари У.Ҳ.Сафаров, Ҳ.Б.Никадамбаева, Ф.А.Ҳамроева ва бошқалар тадқиқотларида ўрганилган. Малака ошириш тизимида ахборот коммуникацион технологияларини қўллаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан тегишли илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш бўйича А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, Д.Н.Маматов, К.А.Каримов, М.Мамаражабов, Н.А.Муслимов, Д.М.Сайфулов, Н.И.Тайлақов, Т.Т.Шоймардонов, У.Ш.Бегимқулов, А.Д.Аскарлов, Х.Ш.Қодиров, Д.А.Хидоятова ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

Шунингдек, республикамиздаги малака ошириш тизимининг анъанавий шакллари ва уларнинг турли жиҳатлари А.Аминов, Ж.Ғ.Йўлдошев, М.А.Юлдашев, Р.Х.Джураев, Н.Х.Раҳманқулова, Р.Исянов, С.Т.Турғунов,

Ш.Қ.Мардонов, Ш.С.Шарипов, Х.Ш.Қодиров ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ҳам мукамал ёритилган.

Юқорида кўрсатилган илмий масалалар МДХ давлатларида А.В.Даринский, В.А.Жучкевич, В.П.Дронов, И.В.Душина, И.И.Барина, Л.Е.Савельева, Н.Н.Баранский ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан айниқса, D.Mamontov, T.Hinton, M.Shepherd, G.Valentine ва бошқаларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Таҳлилларга кўра, географияни ўқитиш бўйича кўп изланишлар олиб борилган бўлсада, умумий ўрта таълим мактабларида география фани ўқитувчилари электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, жумладан малака ошириш жараёнида ушбу масалани янада такомиллаштириш механизмлари бугунги замон талабларига мос даражада тадқиқ этилмаган. Ушбу тадқиқот ишининг асосий мақсади ана шу камчиликни тўлдиришдан иборат.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-141 “Олий таълим муассасалари педагоглари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон-ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш технологиялари” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади география фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

география фани ўқитувчиларининг ахборот компетентлик кўрсаткичларини рақамли технологиялар воситасида, таълимни ахборотлаштириш талаблари ҳамда дидактик мақсадларини интеграциялаш асосида аниқлаштириш;

география фани ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш мазмуни когнитив соҳа, коммуникатив даража ва ўзини-ўзи касбий-шахсий ривожлантириш мотивацияси каби омилларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида “География фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш” моделини яратиш;

география фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон ахборот таълим муҳитида ахборот маданиятининг ривожланганлик даражаси, электрон таълим воситаларидан фойдаланиш асосида касбий ва шахсий компетенцияларини интеграллашишини аниқлаштириш;

география фани ўқитувчилари малакасини ошириш даражасини баҳолашнинг инфорацион ва аналитик мезонларини интеграл диагностик технологиялар билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида география фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг “География фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модули олинган.

Тадқиқотнинг предметини география фани ўқитувчилари малакасини ошириш курсининг “География фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модулини ўқитиш давомида электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг мазмун, шакл, метод ва воситаларини такомиллаштириш механизмлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик мониторинг, моделлаштириш, сўровнома, тест, суҳбат шунингдек, олинган натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

география фани ўқитувчиларининг ахборот компетентлик кўрсаткичларини ривожлантириш мазмуни (методик-ташкилий, технологик жараёнли, креатив) рақамли технологиялар воситасида таълимни ахборотлаштириш талаблари ҳамда дидактик мақсадларини (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) интеграциялаш асосида аниқлаштирилган;

география фани ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш мазмуни когнитив соҳа, комму–никатив даража ва ўзини-ўзи касбий-шахсий ривожлантириш мотивацияси каби омилларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида “География фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш” модели яратилган;

география фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида ахборот маданиятининг ривожланганлик даражаси электрон таълим воситалари (“География” электрон дарслиги, “Қизиқарли география” мобил иловаси, “Атроф-муҳит муҳофазаси” видеодарси, Smart доска, Google Earth Win, Bandicam, Ispring, Eclipse Crossword дастури)дан фойдаланиш асосида аниқланган ҳамда касбий ва шахсий компетенцияларини (ғоявийлик, когнитивлик, педагогик-психологик тайёргарлик, касбий мослашувчанлик, касбий омилкорлик, глобал фикрлаш, интизомлилик, ташаббускорлик, бошқарувчанлик, меҳнатсеварлик, қизиқувчанлик, ўз-ўзини бошқара олиш) ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

география фани ўқитувчилари малакасини ошириш даражасини баҳолашнинг информацион ва аналитик мезонлари интеграл диагностик технологиялар (биопортфолио, тест синовлари, «assessment centre»), индикаторли тузилма ҳамда интерфаол таълим методлари (“Резюме”, “Қарорлар шажараси”, “ФСМУ”, “Муаммо”) билан уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси “География фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модулининг

такомиллаштирилган ўқув-методик таъминоти Халқ таълими вазирлигининг мувофиқлаштирувчи кенгаш Қарори асосида амалиётга жорий этилган;

география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнини электрон таълим воситалари асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси амалиётга жорий этилган;

география фанига оид электрон-ахборот таълим муҳити ишлаб чиқилган ва унда география фани ўқитувчиларининг касбий фаолиятида методик тайёргарлигини оширишнинг технологиялари амалиётга жорий этилган;

узлуксиз таълим тизимидаги география фанини компетенциявий ёндашув асосида ўқитишга оид таклифлари умумий ўрта таълим тизимида география фанини ўқитиш концепцияси, давлат таълим стандартлари ва география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларида акс эттирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси мазмуни, унда амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси такомиллашганлиги, география фанини ўқитишнинг стандарт даражалари, ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришнинг сифатини таъминлашга қаратилган география фани ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз методик тайёргарлигини ошириш модели яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти малака ошириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, ўқув дастурлар, ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда ва география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз методик тайёргарлигини такомиллаштириш, ҳамда география фани ўқитувчиларининг электрон таълим воситаларидан мунтазам фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг география фани ўқитувчилари малака ошириш жараёнининг илмий-методик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий натижалари асосида:

география фани ўқитувчиларининг ахборот компетентлик кўрсаткичларини ривожлантириш мазмуни рақамли технологиялар воситасида таълимни ахборотлаштириш талаблари ҳамда дидактик мақсадларини интеграциялашга оид таклифлар география ва уни ўқитиш методикаси фани бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 январдаги 89-03-559-сон маълумотномаси, Халқ таълими

вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 02-02/3-1043-сон маълумотномаси). Натижада, география фани ўқитувчиларининг касбий фаолиятида методик тайёргарликни оширишнинг дидактик таъминлаш имкони яратилган;

география фани ўқитувчилари малакасини ошириш тизимида педагог кадрлар касбий компетентлигини ташхислаш мазмуни когнитив соҳа, коммуникатив даража ва ўзини-ўзи касбий-шахсий ривожлантириш мотивацияси каби омилларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида “География фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш” моделига оид таклифлар ЁА-1-26 рақамли «Касб таълими фанидан электрон мажмуа яратиш» мавзусига оид лойиҳадаги вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 январдаги 89-03-559-сон, Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 02-02/3-1043-сон маълумотномалари). Натижада, география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнини электрон таълим воситалари асосида ташкил этиш имкони оширилган;

география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида электрон ахборот таълим муҳитида ахборот маданиятининг ривожланганлик даражаси электрон таълим воситалари (“География” электрон дарслиги, “Қизиқарли география” мобил иловаси, “Атроф-муҳит муҳофазаси” видео дарси, Smart доска, Google Earth Win, Bandicam, Ispring, Eclipse Crossword) дан фойдаланиш асосида касбий ва шахсий компетенцияларини интеграллаш ҳамда география фани ўқитувчилари малакасини ошириш даражасини баҳолашнинг информацион ва аналитик мезонларини интеграл диагностик технологиялари ҳамда индикаторли тузилмасига оид таклифлар “География ўқитиш методикаси” дарслиги мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 январдаги 89-03-559-сон, Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 02-02/3-1043-сон маълумотномалари). Натижада, география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талаблари мазмунини кенгайтириш имкони яратилган;

таълим тизимида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион ёндашувларини жорий этган ҳолда электрон таълим воситалари асосида ўқитишнинг дастурий таъминотини жамиятнинг замонавий талаб ва эҳтиёжларига монанд тарзда янада мукамаллаштириш ва ундан география фанини ўқитиш жараёнларида фойдаланишга оид таклифларидан ПЗ - 2014-0906164153 рақамли “Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш”, ҳамда “Онлайн касбий ривожлантириш” мавзусидаги лойиҳалар доирасида яратилган дидактик материаллар мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 5 апрелдаги 02-02/3-1043-сон маълумотномаси). Натижада, малака ошириш курси тингловчиларининг электрон таълим ресурсларини яратиш ва ўқув-услугий фаолиятларида фойдаланиш кўникмаларининг янада ривожланишига эришилган;

география фани ўқитувчиларининг замонавий таълим ва инновацион технологиялари, ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, халқ таълими ходимларини малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари, ахборот коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳорати ва ўқув-услубий фаолиятини сифатли ташкил этиш компетенцияларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялари Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Тадқиқот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадио компаниясининг 2021 йил 23 мартдаги 02-40-425-сон маълумотномаси). Натижада, география фани ўқитувчиларининг ахборот коммуникацион кўникмаларининг такомиллашишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий-услубий ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларининг чоп этишган тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (7 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар қисмидан иборат. Диссертациянинг матн қисми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган. Шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети, методлари аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнини такомиллаштиришда электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида замонавий таълимнинг электрон таълим воситалари ва уларнинг ҳуқуқий-назарий асослари, халқ таълими ходимларини малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг илмий-педагогик шарт-шароитлари, халқ таълими ходимларини малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг амалиётдаги аҳоли ва мавжуд муаммолар ечимини топишда таълим

жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш нечоғлиқ мақсадга мувофиқлиги ўрганилган.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даражаси ва сифат-самарадорлигини янада такомиллаштириш, унинг ўқув-методик ва ахборот таъминотини мустаҳкамлаш, шунингдек, умумий ўрта таълим муассасаларини ўз мутахассислиги бўйича замонавий билим, кўникмаларга, электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш маданиятига эга бўлган юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи малака ошириш тизимидаги долзарб ва устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида малака ошириш муассасаларида замонавий ёндашувлар ва инновациялардан, хусусан ахборот коммуникацион технологияларидан тўлақонли фойдаланиш орқали тингловчиларнинг электрон таълим воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш механизмларининг янада такомиллаштиришга эришиш мумкинлиги очиб берилди. Шунингдек, мавзуни ўрганиш ва тадқиқот ишларини олиб бориш жараёнидаги натижаларга асосланиб, география фани ўқитувчиларининг малака ошириш жараёнида педагогик маҳорати ва малакасини оширишдаги мавжуд муаммолар аниқланди, умумлаштирилди ва уларни бартараф этиш ҳамда ўқитувчиларнинг ўз касбий фаолияти бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга доир билимини ошириш масаласига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида узлуксиз касбий ривожлантириш тизимидаги МТ113. “География ўқитувчилари” йўналиши мутахассислик фанлари ўқув режасига киритилган “География фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модули мазмуни таҳлил қилинди, шунингдек, ушбу модулни ўқитишда электрон таълим воситаларини яратиш ва фойдаланиш орқали тингловчиларнинг билим, кўникма, малакаларини янада такомиллаштириш ва шу орқали уларнинг ахборот коммуникацион компетентлилик даражасини шакллантириш масалалари ёритилди.

Маълумки, таълим тизимини такомиллаштиришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида оид чет эл тажрибаси, махсус адабиётлар, диссертацион тадқиқотлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Шотландия, Греция, Жанубий Корея, Хитой) ўрганилди. Шунингдек, география таълимида электрон таълим воситалари (электрон дарслик, электрон хариталар, мультимедиа ресурслари, ўқув фильмлари, мобил иловалар)нинг ўрни ва аҳамияти очиб берилди ҳамда география таълимига замонавий интерфаол таълим методлари (Резюме, Муаммо, Қарорлар шажараси, ФСМУ ва б.)нинг татбиқи ва уларнинг таълим самарадорлигига бўлган ижобий таъсири аниқланди.

Диссертациянинг **“География фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида халқ таълими ходимларининг электрон таълим

воситаларидан фойдаланишга тайёргарлигини шакллантириш мазмуни ва технологиялари, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида география фани ўқитувчиларининг электрон таълим воситаларидан фойдаланишнинг тармоқли модели ва унинг компонентлари, география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш методикаси ёритилган.

Замонавий ўқитувчининг жамиятни ахборотлаштириш шароитида ишлашга тайёргарлигини белгилаб берадиган ахборот-коммуникатив компетентлик (АКК), электрон дарслик ва ундан фойдаланишдаги афзалликлар, география дарсларини самарали ва сифатли ташкил этишда амалий дастурлар ва воситалар (Google Earth Win, Bandicam, Ispring, Eclipse Crossword (Кроссвордли жумбоқ) ва Smart доска имкониятларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар келтирилди.

Илмий жиҳатдан ишончли тахмин қилиш аввалдан натижаси аниқ бўлган самарадорликни кўриш имконини вужудга келтиради. География фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда тегишли ўқув дастурига мувофиқ амалга оширилади. Тадқиқотимизда география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича асосланган илмий хулосалар, амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган талаблар доирасида ўқув жараёни учун “География фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш” модели яратилди. (1-расмга қаранг).


Моделнинг таркиби ижтимоий эҳтиёж, мақсад, география фани ўқитувчиларининг АКТдан фойдаланиш компетенцияларини шакллантириш, таълим мазмуни ва жараёни, баҳолаш мезонлари, тайёргарлик даражалари, таълим натижаси каби компонентларини ўз ичига олади.

Моделнинг ижтимоий эҳтиёж компоненти: география фани ўқитувчиларининг малакаси ошириш;

Моделнинг мақсади: география фани ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ҳисобланади;

Моделнинг мазмуни умумтаълим мактаблари география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат талаблари, география фанини ўқитишнинг Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлар, дарслик, ўқув қўлланма ҳамда бошқа ўқув-методик адабиётлар асосида белгиланади.

Баҳолаш мезонлари география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш ўқув жараёни сифатини холисона ва сифатли назорат қилиш тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган турли усул ва методлар асосида амалга оширилди. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши география фани ўқитувчилари малака оширишда эгаллаган билим, кўникма ва малакалари ўрнатилган талабларга мос даражада бўлишини таъминлашга хизмат қилади.



1-расм. География фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш модели

Бизнингча, малака оширишда ташкил этиладиган таълим жараёнларини электрон таълим воситалари орқали ташкил этиш ўқитиш самарадорлигига эришиш йўлларида бири ҳисобланади. Шу мақсадда тадқиқот иши вазибаларидан келиб чиқиб “География фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модулини ўқитишнинг “Қизиқарли география” мобил иловаси, “География” электрон дарслиги ҳамда география фанига оид туркум видеодарслар тўплами ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу электрон таълим воситалари малака ошираётган география йўналиши тингловчилари ва умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган география фани ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шаклланишига, компьютер саводхонлигининг такомиллашишига ёрдам беради.

“Қизиқарли география” мобил иловаси. Мобил иловада берилган географик маълумотлар ўқитувчилар учун ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади. Ундан фойдаланиш натижасида тингловчилар таълим жараёнларида фақат дарсликдаги маълумотлар билан чегараланиб қолмай, география фани доирасидаги энг янги маълумотларни ҳам қисқа муддатда ўзлаштириб, уларни таълим жараёнларига татбиқ этиш имкониятига эга бўладилар. (2-расмга қаранг).




2-расм. “Қизиқарли география” мобил иловаси кўриниши.

Мобил илова Java дастурлаш тили орқали Android Studio муҳитида ишлаб чиқилган бўлиб, асосан андроид қурилмаларга мўлжалланган. Дастлаб илова тармоқ орқали андроид қурилмага юклаб олинади ва ўрнатилади, шундан сўнг илова ишга тушади. Иловадан фойдаланиш учун интернет тармоғи шарт бўлмайди. Бу эса фойдаланувчига қулайлик яратади.

Ўқув жараёнида электрон дарслик, қўлланма, амалий дастурлар, ўқув фильмлари, видеодарслардан фойдаланиш таълим самарадолигини оширади.

Чунки тингловчилар мавзуларни маъруза шаклида эшитишдан кўра уни кўз билан кўриб, баъзи жараёнларни компьютерда амалий бажарса, уларнинг ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунчаларни тез ва осон қабул қилиши ҳамда уни амалиётга жорий этиши енгил кечади. Бу талабларни амалиётга жорий қилиш – ахборот-таълим муҳитини яратишни ва фан бўйича ўқув-методик мажмуанинг шаклланганлик даражасига кўра уни босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини беради. Тадқиқот иши вазифаси асосида электрон ўқув-методик мажмуани шакллантириш ва амалиётга жорий этишнинг “География” электрон дарслиги таклиф этилди. (3-расмга қаранг).



3-расм. Электрон дарсликнинг асосий кўриниши

Ушбу электрон дарсликнинг афзаллик томони шундаки, ўқитувчилар ундан нафақат малака ошириш жараёнида, балки малака оширишдан кейинги педагогик фаолиятларида ҳам фойдаланишлари мумкин. Чунки электрон дарсликка киритилган материаллар умумтаълим мактаблари география дарсликларидаги мавзуларига ҳам мослаштирилган. Электрон дарсликни яратилишида куйидаги дастурлардан фойдаланилди:

Электрон дарсликнинг дизайн ва графикаси:

1. Adobe Photoshop
2. Adobe Illustrator

Электрон дарсликдаги медиа маълумотлар ва махсус эффектлар:

1. Adobe After Effects
2. Element 3D модули

Электрон дарсликнинг конструкцияси :

1. Auto Play Studio
2. Auto Media Studio

Видеодарс-қисқа, маълум бир формула ёки жараённи талқин қилиш учун яратилган ролик. Одатда бундай видеодарслар учун олдиндан “мукамал” сценарий тузилади. Ҳар бир айтиладиган жумла ва кадрда кўрсатиладиган элементлар олдиндан режалаштирилади. Тадқиқот жараёнида тингловчиларнинг география фанидан видеодарсларни яратиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида “География фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модули ҳамда умумий ўрта таълим мактабларининг

география дарсликлари бўйича видеодарслар тўплами яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Ушбу видеодарслар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим Маркази, мультимедия умумтаълим дастурларини ривожлантириш Маркази билан ҳамкорикда тайёрланди ва Халқ таълими тасарруфидаги www.eduportal.uz, www.uzedu.uz, www.multimedia.uz, arm.sammoi.uz, youtube.com сайтларига жойлаштирилди.

Тингловчиларнинг “География фанини ўқитишда инновацион ёндашувлар” модулини ўзлаштиришига ёрдам берувчи мазкур электрон таълим воситаларидаги ҳар бир мавзуга оид видеолархалар, фотосуратлар, тақдимотлар, мустаҳкамловчи ва назорат саволлари, тингловчиларнинг мавзуларга оид билимини аниқловчи тестлар, маъруза қисмида қўлланилган педагогик технологиялар, қизиқарли географик маълумотлар тингловчиларнинг креативлик қобилиятини ошириш воситалари бўлиб хизмат қилади, шунингдек, уларнинг фанини ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширади. Ушбу бобда электрон таълим воситаларининг таълим жараёнидаги роли кенг очиб берилди.

Диссертациянинг “География фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг тажриба-синов натижалари” деб номланган учинчи бобида география фани ўқитувчилари малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришда тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси, тажриба-синов ишлари натижалари, статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади география фани ўқитувчиларининг малака ошириш жараёнида электрон таълим воситаларидан фойдаланиб ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш мазмуни, йўллари, педагогик шарт-шароитлари самарадорлигини аниқлаш сифатида белгиланди ва тажриба-синов ишлари учта, аниқловчи (2018-2019), таъкидловчи (2019-2020), яқунловчи (2020) босқичлардан иборат бўлиб, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳри халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида олиб борилди.

Тажриба-синов натижаларининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг курс бошидаги ва курс охиридаги ўзлаштириш кўрсаткичлари яқунловчи босқичга нисбатан ўзаро таққосланди. Бунда 2019 йили ташкил этилган анъанавий малака ошириш курсларида назорат гуруҳи (631 нафар) ва тажриба гуруҳи (692 нафар) танланди.

Мазкур тажриба-синов ишлари жараёнида дастлаб география фани ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнига тайёргарлигини аниқлаш, ишлаб чиқилган курс ўқув-методик таъминотининг сифатини, мазмунини, илмий-методик ва дидактик жиҳатдан мувофиқлигини текшириш мақсадида сўровномалар ўтказилди. Сўровномаларда малака ошириш курси учун ишлаб чиқилган ўқув-методик таъминот материаллари, ўрганиш жараёнидаги муаммолар ва ижобий жиҳатлар тўғрисида саволлар келтирилган ҳамда тингловчиларнинг таклиф-мулоҳазалари сўралган.

Мазкур ўтказилган сўровномаларнинг натижалари умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган география фани ўқитувчиларининг электрон таълим воситаларидан фойдаланиш ва уларни таълимда қўллай олиш бўйича тайёргарликларига қўйилган талабларга жавоб бериш даражаси етарли эмаслигини кўрсатди. Шунинг учун тадқиқот давомида узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларида инновацион технологиялар ва электрон ахборот таълим воситаларидан фойдаланиш зарурлиги аниқланди.

Ўтказилган сўровномалар натижалари ва тингловчиларнинг таклиф, мулоҳазалари натижалари таҳлиliga кўра, география фанидан малака ошириш курси ўқув-методик материалларини такомиллаштириш кераклиги маълум бўлди. Шундай қилиб, тажриба-синов жараёнида малака оширувчи тингловчиларнинг таклифларини инобатга олиб 2019 йили ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилган ҳолда қайта ишлаб чиқилди.

